

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 6-ҳадис

6- وَعَنْ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ أُمِّ عَبْدِ اللَّهِ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَغْزُو جَيْشُ الْكَعْبَةِ، فَإِذَا كَانُوا بِيَدَاءَ مِنَ الْأَرْضِ يُخْسِفُ بِأَوَّلِهِمْ وَآخِرِهِمْ». قَالَتْ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، كَيْفَ يُخْسِفُ بِأَوَّلِهِمْ وَآخِرِهِمْ وَفِيهِمْ أَسْوَاقُهُمْ وَمَنْ لَيْسَ مِنْهُمْ؟ قَالَ: «يُخْسِفُ بِأَوَّلِهِمْ وَآخِرِهِمْ، ثُمَّ يُبَعْثُونَ عَلَى نِيَّاتِهِمْ» مُتَفَقُ عَلَيْهِ: هَذَا لَفْظُ الْبُحَارِيِّ [خ 2118، م 2884].

6. Мўминлар онаси Умму Абдуллоҳ Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир қўшин Каъбага ғазот қиласди. Сайҳонлик ерга етганларида уларнинг аввалу охири ерга юттирилади»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, қандай қилиб уларнинг аввалу охири ерга юттирилади, ахир уларнинг орасида бозорчилар ва ўшалардан бўлмаганлар ҳам бор-ку?» дедим. У зот: **«Уларнинг аввалу охири ерга юттирилади, сўнгра (қиёмат куни) ниятларига қараб тирилтириладилар»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ. Бу лафз Бухорийни.

Шарх: Ушбу ривоятни имом Бухорий «Буйуъ» китобида, имом Муслим «Китабул фитан ва ашротус соаҳ» ва «Масобийҳ» китобининг ҳажга тааллуқли бўлимнинг «бабу ҳарами макка» бобида ривоят қилишган.

Ином Нававийнинг «Саҳихул Муслим»га ёзган шарҳларида сайҳонлик ер деганда Мадинанинг Зулхулайфа қаршисидаги тепалик деб айтганлар.

Ином Муслим Умайя ибн Сафрон бобоси Абдуллоҳ ибн Сафрондан қилган куйидаги ривоятни келтиради:

«Ҳафса менга айтди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшиитдим: **«Бир қўшин мана шу Байтни бузмоқчи бўлиб, унга ҳужум қиласи. Улар бир текис ялангликка келишганда ўртадагиларни ер ютади, бошидагилар орқадагиларни чақиришади, кейин уларни ҳам ер ютиб кетади. Улар ҳақида хабар берадиган биргина қочоқдан бошқа ҳеч ким қолмайди».**

Ином Муслим мўминларнинг онаси (Ҳафса ёки Умму Салама) розияллоҳу анҳодан ривоят қиласидар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Бу Байтга - яъни Каъбага - ҳимоячиси йўқ, саноғи кам, ҳарбий тайёргарлиги ҳам бўлмаган одамлар қочиб келиб, беркинишади. Кейин уларга бир қўшин юборилади ва ўшалар бир текис ялангликка етганида уларни ер ютиб юборади».**

(Ровий) Юсуф айтади: «Ўша кунларда шомлик қўшин Маккага қараб юраётган эди. Абдуллоҳ ибн Сафрон: «Аллоҳга қасамки, бу ўша қўшин эмас», деди».

Бу ҳодиса қачон бўлишини Аллоҳ билади. Демак бу ғайб ишларига тааллуклидир.

Мазкур зикр қилинган пайтда барча кишилар ёмонларнинг касофати сабаб ерга юттирилади, кейин ният ва мақсадларига қараб тирилтирилади. Агар ниятлари яхши бўлса хайрли, ёмон бўлса оқибат ёмон бўлади.

Ином Муслим Оиша розияллоҳу анҳодан қўйидаги ривоятни келтирадилар:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқуларида ғайриодатий тарзда оёқ-қўлларини қимирлатдилар. Шунда: «Эй Аллоҳнинг Расули, уйқунгизда илгари қилмаган бир нарсаларни қилдингиз», дедик. Шунда у зот: **«Воажаб, умматимдан бир тоифа одамлар Байтга қочиб кирган бир қурайшлик туфайли Байтни бузмоқчи бўлишади. Лекин бир текис ялангликка келишганда уларни ер ютиб юборади»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ахир бу йўлда ҳар хил одам жамланган бўлиши мумкин-ку?» дедик. У зот: **«Ҳа, уларнинг ичиди қўриб-билиб турган ҳам, мажбурланган ҳам, мусофиirlар ҳам бўлади. Ҳаммалари бирданига ҳалок қилинади, лекин кейин турли хилқатда тирилтирилади. Аллоҳ уларни ниятларига кўра тирилтиради»**, дедилар».

Имом Бухорийда қилинган қуидаги ривоятда Зайнаб бинти Жаҳш: «Эй Аллоҳнинг Расули, орамизда солиҳлар бўла туриб ҳам ҳалок бўлаверамизми?» деганларида, у зот: «**Ҳа, агар нопоклик кўпайса**», деганлар».

Энди бу нарсани акси бўлиши ҳам мумкин. Яъни яхши ва солиҳ кишиларга ёндошса, улар билан бирга бўлади.

Имом Муслим Абу Хурайрадан қилган ривоятда қуидаларни келтирдилар.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ табарока ва таолонинг зикр мажлисларини қидириб, сайр қилиб юрадиган эркин фаришталари бор. Агар улар зикр бўлаётган мажлисни топишса, ўша ерга ўтириб олиб, бир-бирини қанотлари билан ўраб, зикр қилувчилар билан осмон ўртасини тўлдиришади. Улар тарқалиб кетишса, булар ҳам кўтарилиб, осмонга чиқишади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла улардан сўрайди, ваҳоланки Ўзи уларнинг ҳолатини билувчироқдир:

- **Қаердан келдинглар?**
- **Ердаги бандаларинг олдидан келяпмиз. Улар Сенга тасбех, такбир, таҳлил ва таҳмид айтишяпти, Сендан сўрашяпти.**
- **Улар Мендан нимани сўрашяпти?**
- **Улар Сендан жаннатингни сўрашяпти.**
- **Улар Менинг жаннатимни кўришганми?**
- **Йўқ, эй Роббим!**
- **Агар жаннатимни кўрганларида қандай бўларди?**
- **Улар Сендан паноҳ ҳам сўрашяпти.**
- **Улар Мендан ниманинг ёмонлигидан паноҳ сўрашяпти?**
- **Дўзахингдан, эй Роббим!**
- **Улар Менинг дўзахимни кўришганми?**
- **Йўқ.**

- Агар дўзахимни кўрганларида қандай бўларди?
- Улар Сендан мағфират ҳам сўрашяпти.
- Мен уларни кечириб юбордим ва сўраган нарсаларини бердим. Паноҳ тилаган нарсаларидан Ўз паноҳимга олдим.
- Роббим, уларнинг ичida бир хатокор banda бор эди. У ўтиб кетаётиб, улар билан бирга ўтириб қолган эди.
- Уни ҳам кечирдим. Бу шундай қавмки, улар билан ҳамсухбат бўлганлар бадбаҳт бўлмайди».

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Зулм аҳлига етган азоб бўлмаслиги учун улардан йироқ бўлиш, улар билан бирга ўтиришдан четланиш, ботил аҳли ва шунга ўхшаш тоифалардан ҳам йироқ бўлиш.
2. Яхшилар билан ҳамроҳ бўлиб, уларга яқин юришга тарғиб.
3. Ҳадисларда келган бу каби нарсаларга ишониб, хабарда келган нарсаларга иймон келтириш. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳавои нафсларидан гапирмайдилар.

Манба: hadis.islom.uz

